

Болалар мәҳнатига барҳам бериш ҳақида

Халқаро мәҳнат ташкилоти (ХМТ) берган таърифга кўра, болалар мәҳнати деганда ақлий, жисмоний, ижтимоий ёки ахлоқий жиҳатдан болалар учун хавф туғдирадиган ёки болаларга зарар етказадиган, уларни мактабда ўқиш имкониятидан маҳрум қиласидиган иш ва фаолият турлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида, болалар мәҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф соловчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўқсинглик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади деб кўрсатилган.

Болаларнинг соғлиғи, ривожланиши ва таълим олишига таъсир қилмайдиган ишларни бажариши бола мәҳнати сифатида баҳоланмайди. Ушбу турдаги ишларга боланинг ота-онасига уй-рўзғор юмушларида ёрдам бериши, мактабдан бўш ва таътил вақтларида касб-ҳунар ўрганиши киради.

Сўнги йилларда Республикамизда болалар мәҳнатига қарши курашишнинг ташкилий механизмлари яратилмоқда, болалар мәҳнатига йўл қўймаслик учун самарали парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Болалар мәҳнатига барҳам беришнинг қонунчилик асослари кучайтириб борилмоқда. Тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, болалар мәҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслик тўғрисидаги талабларни бузиш каби ҳатти-қаракатлар учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Ушбу ҳаракатлар болалар мәҳнатининг ҳар қандай шаклларига барҳам беришда ўз самарасини бермоқда. Бунга 2018 йил АҚШ Ўзбекистоннинг пахта маҳсулотларини болалар мәҳнати орқали етиштириладиган маҳсулотлар рўйхатидан чиқариши яққол мисол бўлаолади.

Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва болалар мәҳнатини тугатиш бўйича бир қатор Конвенцияларга қўшилган ва болалар мәҳнатига барҳам бериш бўйича ўз мажбуриятларига амал қилиб келмоқда.

Ҳар йили 12 июнь — Бутунжаҳон болалар мәҳнатига қарши курашиш куни сифатида нишонланади.

Зеро, болалар мәҳнатига йўл қўймаслик келажакда болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари ҳамда мамлакат равнақига ўз ҳиссаларини қўшишларига хизмат қиласиди.

Жиноят ишлари бүйича

Олтинсой туман суди раиси

Т.Абдуллаев